

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОПЕРАЦИОН ТАВАККАЛЧИЛИКНИ БАҲОЛАШ
УСЛУБИЁТИ

Хамро Хасанов

Банк-молия академияси тингловчиси

Аннотация: Мақолада тижорат банкларида операцион хавфларни баҳолашнинг комплекс усуллари ва амалий воситалари таҳлил қилинади. Амалий тавсиялар банк процесси оптимизацияси, ички сиёсатлар ва риск-аппетитнинг ривожланишига қаратилган. Илмий-тадқиқот натижалари амалга оширилишни ва регулятор талаблари билан мувофиқлаштирилган ёндашувлар таклиф қилади. Хулоса — самарали операцион риск бошқаруви банк маҳсулдорлигини ва мижозлар ишончини мустаҳкамлайди.

Калит сўзлар: риск, операцион риск, хавф, банк хатарлари, риск менежмент, кредит риси, ликвидлилик риси, *ORMS*

Аннотация: В статье анализируются комплексные методы и практические инструменты оценки операционных рисков в коммерческих банках. Практические рекомендации направлены на оптимизацию банковских процессов, развитие внутренней политики и риск-аппетита. Результаты научно-исследовательской работы предлагают подходы, адаптированные к внедрению и согласованные с требованиями регуляторов. Вывод — эффективное управление операционными рисками укрепляет продуктивность банка и доверие клиентов.

Ключевые слова: риск, операционный риск, опасность, банковские риси, управление рисками, кредитный риск, риск ликвидности, *ORMS*.

Abstract: The article analyzes comprehensive methods and practical tools for assessing operational risks in commercial banks. Practical recommendations are aimed at optimizing banking processes, developing internal policies, and risk appetite. The research findings propose approaches adapted for implementation and aligned with regulatory requirements. Conclusion — effective operational risk management strengthens a bank's productivity and customer trust.

Keywords: risk, operational risk, danger, banking risks, risk management, credit risk, liquidity risk, *ORMS*.

КИРИШ

Мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992 “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони қабул қилинган (Фармон, 2020). Унга кўра банк соҳасида бир қатор ислохатларни амалга ошириш лозимлиги билдирилган. Хусусан мамлакатимизда банк соҳасига давлат аралашувини камайтириш мақсадида, 2025 йилга бориб давлат улуши бўлмаган банк активларини ҳозирда 15 фоиздан 60 фоизгача ошириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида” банк тизимида ҳалқаро валюта жамғармаси кўмагида иқтисодиётда вужудга келиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш, уларнинг банк тизими барқарорлигига таъсирини баҳолашга қаратилган стресс-тест моделларини ишлаб чиқиш ҳамда юзага келиши мумкин бўлган молиявий йўқотишларга банкларнинг бардошлилигини таъминлаш мақсадида макропруденциал буферлар яратиш чораларини кўриб бориш устувор вазифалар сифатида белгиланган (Фармон, 2022).

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ҳозирги вақтда тижорат банкларининг операцион хавфини баҳолаш ва бошқариш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича Базел қўмитаси операцион хавфни кредит ва бозор хавфлари билан бир қаторга қўяди. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, ушбу турдаги хавф методологик жиҳатдан етарлича ўрганилмаган. Хавф даражасини баҳолаш (ҳисоблаш) масалалари ҳам назарийётчилар, ҳам амалиётчилар томонидан фаол муҳокама қилинмоқда. Шу билан бирга, тижорат банкида операцион хавф тушунчасининг ўзи талқини бўйича мунозаралар давом этмоқда. Келинг, ушбу талқинларнинг баъзиларини батафсилроқ кўриб чиқайлик.

Кўпгина муаллифлар операцион хавфлар бозор ёки кредит хавфи сифатида таснифланмаган ҳар қандай таҳдидларни ўз ичига олишига қўшиладилар. Кўпчилик "операцион хавф" ташкилотнинг ички тузилмасида доимий равишда юзага келадиган турли хил муаммолар ва мураккабликлар учун умумий тушунча эканлигини таъкидлайди (Ларионов, 2014). Бир қатор муаллифлар стандарт таърифга асосланиб, операцион хавфни икки турга ажратадилар:

- ташкилотнинг операцион фаолияти билан боғлиқ йўқотишлар хавфи (битимлар ёки инвестицияларни амалга оширмаслик, хатолар, ҳуқуқий муаммолар);
- фирибгарлик ва самарасиз бошқарув натижасида келиб чиқадиган йўқотишлар хавфи (агентлик харажатлари). Тижорат банкларида рискларни бошқариш масалалари молиявий институтлар барқарорлигини таъминлашда муҳим илмий йўналишлардан бири ҳисобланади (Лаврушина, Валенсева, 2013).

Ушбу йўналишда Ж. Хулл томонидан олиб борилган тадқиқотларда банк рисклари тизимли ёндашув асосида таҳлил қилиниб, операцион рисклар молиявий рискларнинг ажралмас таркибий қисми сифатида талқин этилади. Муаллиф операцион рискларни бошқариш банк капитали етарлилиги, ички назорат ва стратегик бошқарув билан чамбарчас боғлиқ эканлигини асослаб беради (Hull, 2018).

Тадқиқот методологияси

Илмий ишни амалга оширишда тижорат банкларининг операцион таваккалчиликларни баҳолаш услубиёти ҳамда уни такомиллаштиришда олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар

Базель қўмитасининг банк назоратига оид бўлган янги стандартларида тижорат банклари фаолиятидаги операцион рискни баҳолаш бўйича янги талаблар қўйилган.

Базавий индикатор усули – банкларда операцион рискни баҳолашда банкнинг ўртача 3 йиллик даромадидан фиксерланган фоизда заҳира ташкил этиш орқали ҳисоблаб топилади. Операцион риск учун заҳира қилинадиган капитал миқдори (ORC) Базель қўмитаси томонидан белгиланадиган доимий катталиқ – альфа коэффиценти билан аниқланади.

BIA Базавий методи орқали операцион рискни баҳолашда банклар операцион рискка тортилган капитал ҳажмини аниқлаб олиши ва уларнинг захирасини шакллантиришлари зарур бўлади.

Операцион рискни баҳолашнинг муқобил стандартлашган ҳамда илғор усули орқали баҳолаш. Операцион риск учун капитал захирасининг миқдорини ҳисоблашга нисбатан базавий индиктор асосидаги соддалаштирилган ёндашув операцион риск даражасининг банк фаолиятининг тўғридан тўғри боғлиқлиги мавжудлигиги назарда тутади. Бироқ мазкур ҳолатда ички назорат тартиблари ҳам, фаолиятнинг турли йўналишлари нуқтаи назаридан рискка мойиллик ҳам ҳисобга олинмайди. Лекин, шу билан бирга, заҳирани ҳисоблашга нисбатан соддалаштирилган ёндашув операцион рисклар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун заҳира сифатида кўриб чиқилиши мумкин бўлган айрим катталиқларга эга бўлиш имконини беради.

Стандарт ёндашув усули – ушбу усул банкнинг саккизта бизнес линияси орқали амалга оширилади. Ушбу стандарт бизнес линия операция тури ва хизмат кўрсатиш усуллари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Мазкур усул ўз ўрнида иккита усулларга ажратилган. Булар TSA стандарлаштирилган усул ва муқобил стандартлаштирилган усул.

TSA стандартлаштирилган усулида банкнинг барча фаолият турлари саккизта бизнес линияга таснифланади. Мазкур фаолият турлари таснифи қуйидаги жадвалда келтирилган.

1-жадвал Банк соҳасининг бизнес-линия классификацияси

Т/р	Бизнес-линия	Бизнес жараён
1.	Капитал бозорида корпоратив	Қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ва

	мижозларга, давлат бошқарув органларига ва маҳаллий бошқарув органларига банк хизматларини кўрсатиш (Corporate finance)	жойлаштириш. Юридик шахсларга банк хусусийлаштириш, қўшиб юбориш ва қоплаш жараёнларига хизматларини кўрсатиш. Секьюритизация қилиш. Бозорда тадқиқот олиб бориш. Инвестицияда консалтинг хизматларини кўрсатиш.
2.	Қимматли қоғозлар бозорида молиявий воситалар билан операция ва келишувларни амалга ошириш (Trading and sales)	Инвестициядан даромад олишда ёки сотишда қимматли қоғозларни жалб этиш. Зудлик билан қимматли қоғозлар, чет эл валютасига, қимматбаҳо металлларга ва деривативлар билан келишувларни амалга ошириш. Маркет-мейкер функциясини бажариш. РЕПО операциясини амалга ошириш ва бошқа операциялар.
3.	Жисмоний шахсларга банк хизматларини кўрсатиш (Retail banking)	Кредитлар тақдим этиш. Жамғармага пул воситаларини қабул қилиш. Жисмоний шахсларга банк счётларини очиш. Пул воситалари ва қимматли қоғозларга ишончли бошқарувни йўлга қўйиш. Банк карталари бўйича маслаҳатлар бериш ва тушунтириш. Касса ва бошқа хизматларни кўрсатиш.
4.	Юридик шахсларга банк хизматларини кўрсатиш (Commercial banking)	Кредитлар тақдим этиш. Депозитлар қабул қилиш. Векселлар билан операциялар ўтказиш. Факторинг ва форфейтинг операцияларини ўтказиш. Лизинг, касса, инкассация, маслаҳат ва ахборот хизматларини кўрсатиш.
5.	Тўлов ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш (Payment and settlement)	Нетто, клиринг, хизматларини кўрсатиш. Инкасса операцияларини ўтказиш.
6.	Агентлик хизмати (Agency services and custody)	Ҳужжатларни сақлаш, қимматли қоғозларни сақлаш, пул воситалари ва бошқа мулкларни ишончли сақлаш.
7.	Активларни бошқариш (Asset management)	Қимматли қоғозларни ишончли бошқариш. Пул воситалари ва бошқа мулкларни ишончли бошқариш.
8.	Брокерлик хизмати (Retail brokerage)	Турли брокерлик хизматларини кўрсатиш.

Базавий усулга ўхшаш жиҳати мавжуд бўлиб, ялпи даромаддан ҳисоблаб чиқарилади. Ялпи даромад дейилганда, бу усулда, ҳар бир фаолият туридан олинган даромадлар назарда тутилади.

Муқобил стандартлаштирилган усул. Базель Қўмитаси низомига амал қилган ҳолда, назорат органи тижорат банкига муқобил стандартлаштирилган усул (Alternative Standardised Approach – ASA)дан фойдаланиши мумкин. Фақат бунда тижорат банки назрат қилувчи органни мазкур усул ҳимоб-китоблар учун янада такомиллашган базадан фойдаланиш имконини беришини ишонтиришлари керак бўлади.

Мазкур усулда ҳам операцион рискка тортилган капитал қийматини ҳисоблаш стандартлаштирилган усул синганри аниқланади. Бироқ бу усулда банкнинг фақат иккита фаолият турининг рискка тортилган капитал қиймати бошқа йўл билан ҳисобланади. Булар чакана банк операциялари (асосан жисмоний шахслар билан операциялар) ва юридик шахслар билан операциялар. Бу фаолият турлари бўйича ҳисоб-китобларда ялпи даромад ўрнига (риск кўрсаткичи сифатида) кредитлар олинади. β -коэффициент қиймати жисмоний ва юридик шахслар билан операциялар бўйича стандартлаштирилган усулдаги сингари бир хиллигича қолади.

Ушбу мазкур ёндашувни қўлловчи барча банклар учун ягона бўлган стандарт тасниф ҳисобланади. Айти пайтда Базель қўмитаси томонидан банк назорати миллий органларига стандарт ёндашув билан солиштирилганда ушбу ёндашувнинг, масалан, бир рискларнинг икки марта ҳисобга олинишини истисно этиш нуқтаи назаридан, афзаллигини далиллар асосида исботлай оладиган банкларга нисбатан “муқобил стандарт ёндашув” ни қўллаш ҳуқуқи берилди.

Операцион рискни баҳолашга нисбатан “такомиллаштирилган” ёндашув. “Такомиллаштирилган” метод гуруҳи асосини IMA (Internal Measurement Approaches), LDA (Loss Distribution Approaches) моделлари доирасида ишлаб чиқилган ёндашувлар ва SA (Scorecard Approaches) эксперт модели ташкил этади.

Ушбу AMA усул таркибига IMA (Internal Measurement Approaches) усули, LDA (Loss Distribution Approaches) усули ва SA (Scorecard Approaches) эксперт усуллари киради. Базель қўмитаси операцион рискни баҳолашга нисбатан такомиллашган ёндашувни ҳар доим ҳам турли усулларга бўлмайди. Ҳар бир банкка мустақил равишда қабул қилинган тамойиллар ва талаблар асосида усулларни танлаш тавсия этилади.

Операцион рискнинг Базель қўмитаси томонидан таклиф этган 7 та стандарт категорияси:

- 1) Ички фирибгарлик;
- 2) Ташқи фирибгарлик;
- 3) Меҳнат муносабати хавфсизлиги;
- 4) Мижозлар, банк маҳсулоти, ишбилармонлик амалиёти;
- 5) Активлар бўйича йўқотишлар;
- 6) Бошқариш жараёни;
- 7) Тизимнинг издан чиқиши.

Қуйидаги шартларга амал қилиш бўйича талаблар операцион рискни баҳолашга нисбатан стандарт ва янада мураккаброқ ёндашувларни қўллашнинг муҳим шarti ҳисобланади:

– Директорлар ва кенгаши ва юқори бўғин раҳбарлари операцион рискларни баҳолаш, уларни бошқариш жараёнини назорат қилишда фаол иштирок этиши лозим;

– Банкда менежмент рискни концептуал жиҳатдан тўғри ҳисоблаш ва керакли тарзда фойдаланиш;

– Банк танланган ёндашувни фаолиятнинг барча йўналишларида ҳамда назорат ва аудит бўлинмаларида жорий этиш учун етарли ресурсларга эга бўлиши лозим.

Бундан ташқари, назорат органлари капитал етарлилигини баҳолашнинг у ёки бу усулини қўллашга рухсат этишдан аввал (стандарт усул бундан мустасно) тижорат банкларини улар томонидан танланган операцион рискни баҳолаш схемасининг асослилиги ва юзага келган амалиёт нуқтаи назаридан текширишлари мумкинлиги назарда тутилади.

Стандарт ёндашувдан фойдаланишни истовчи банкларга нисбатан операцион рискларни назорат қилиш ва бошқаришнинг ички тизимига тааллуқли бир қатор сифат хусусиятли талаблар қўйилади. Ушбу талаблар моҳияти қуйидагилардан иборат:

– Банк ўзининг ташкилий таркибида операцион рискни идентификациялаш, баҳолаш, мониторинг ва назорат қилиш ёки уни пасайтириш функцияларини бажарувчи операцион рискларни бошқариш бўлинмасига эга бўлиши зарур;

– Операцион рискларни бошқариш тизими банкда рискларни бошқариш жараёнининг таркибий қисмига айланиши лозим, бунда ушбу тизимнинг фаолият кўрсатиши учун банк фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича операцион риск оқибатида молиявий ва моддий йўқотишлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаши ва таҳлил қилиши зарур;

– Операцион риск оқибатида йўқотишлар тўғрисидаги маълумотлар бўлинмалар раҳбарлари, юқори раҳбарият ва банк директорлар кенгашининг ҳукмига мунтазам ҳавола этилиб турилиши лозим;

– Банк ўзи томонидан фойдаланиладиган операцион рискни баҳолаш тизими ҳақида батафсил ҳужжатларга эга бўлиши керак;

– Операцион рискни баҳолаш банкнинг тегишли бўлинмалари томонидан ҳам, ташқи аудиторлар ва назорат органлари томонидан ҳам мунтазам равишда теширилиб турилиши лозим.

Операцион рискнинг фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича табақаланиши натижасида ҳисоблаб чиқилган капитал миқдорининг базавий индикаторига асосланган ёндашувга қараганда кам бўлиши мумкинлиги стандарт ёндашувнинг яққол устунлиги ҳисобланади.

Стандарт ёндашув банк фаолиятининг ҳар бир йўналиши билан боғлиқ операцион рискларни аниқроқ баҳолаш имконини беради. У катта миқдордаги тахминларга асосланган, хусусан, ушбу ёндашув операцион рискларнинг амалга

оширилиши натижасида кўрилган зарарларнинг тақсимланиши эҳтимолини ва ташкилотда мазкур рисклар устидан назорат қилиш даражасини эътиборга олмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси” ПФ-5992 фармони.
2. Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган **Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ПФ-60**”
3. J. Hull. Risk Management and Financial Institutions. – Hoboken: John Wiley & Sons, 2018.-760 p.
4. P. Jorion. Value at Risk: The New Benchmark for Managing Financial Risk. – New York: McGraw-Hill, 2007.-592 p.
5. R. Crouhy, D. Galai, M. Mark. The Essentials of Risk Management. – New York: McGraw-Hill, 2014.-480 p.
6. J. Lam. Enterprise Risk Management: From Incentives to Controls. – Hoboken: John Wiley & Sons, 2014.-640 p.
7. A. McNeil, R. Frey, P. Embrechts. Quantitative Risk Management. – Princeton: Princeton University Press, 2015.-538 p.
8. Банковские риски: Учебник/ коллектив авторов, под ред. О.И. Лаврушина, Н.И. Валенцевой. – М. КНОРУС, 2013 - 296 с.
9. Риск менеджмент в коммерческом банке: монография/коллектив авторов / под ред. И. В. Ларионовой. – М.: КНОРУС, 2014. – 456 с.